

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА АНТРОПОНИМЛАР ТАДҚИҚИ

Гаухар Аминова

*Жумабек Ташенев номидаги университет магистранти (Қозоғистон)*

**Аннотация.** Мазкур тезисда ўзбек тилшунослигида антропонимларнинг ўрганилиш тарихи, уларнинг илмий тадқиқ этилиш босқичлари ҳамда антропонимика соҳасининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинади. Ўзбек антропонимикасига оид фундаментал тадқиқотлар, хусусан, Э. Бегматов, Ғ. Сатторов, С. Раҳимов ва бошқа олимларнинг илмий қарашлари асосида шахс исмларининг этимологияси, маъноси, морфологик тузилиши, номлаш мотивлари ва этномаданий хусусиятлари ёритилади. Шунингдек, антропонимларнинг миллий қадриятлар, урф-одатлар, диний ва мифологик тасаввурлар билан боғлиқлиги очиб берилади. Тадқиқот натижалари ўзбек ономастикаси ва антропонимикаси ривожини ўрганиш ҳамда номшунослик соҳасидаги илмий изланишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** антропонимика, ономастика, антропоним, киши исмлари, номинация, номлаш мотиви, этимология, ўзбек исмлари, этномаданий хусусиятлар, ономастик тадқиқот, мотивланган ном, номинация тамойили.

Антропонимика ўзбек ономастикасида топонимика билан бир пайтда ривож топган соҳалардан биридир. Ўзбек исмлари, асосан, ўтган асрнинг 60-йилларидан илмий асосларда таҳлил қилина бошланди. Эндиликда антропонимика ўзбек ономастикасининг муҳим илмий йўналишларидан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Ҳозиргача ўзбек исмларининг этнографик хусусиятлари, маъно ва этимологияси, морфологик тузилиши, ясаиш усуллари юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилган.

Ўтган асрнинг 60-йилларигача ўзбек исмлари юзасидан тарғибот характеридаги баъзи илмий [1] ҳамда илмий-оммабоп мақолалар [2] ёзилган

бўлса-да, ўзбек исмлари бой фактик материал сифатида кенг кўламда тўпланмаган ва илмий тадқиқ объекти этиб белгиланмаган эди. Шу сабабли Э.Бегматовнинг 1965 йили ҳимоя қилинган «Ўзбек тили антропонимикаси»[4] ишини бу соҳада бажарилган илк тадқиқот деб баҳолаш мумкин.

Э.Бегматовнинг кейинги тадқиқотларида исм ва фамилиялар имлоси, исмларнинг луғавий асосларини белгилаш [3], ўзбек исмларини ўзга тилларда ёзиш масалалари кенг ўрин олди. Мана шу каби синчков изланишлар кейинчалик «Ўзбек исмлари маъноси» номли фундаментал тадқиқотни яратишга замин ҳозирлади. Э.Бегматов ўзбек антропонимикаси ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган кўп сонли илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир.

Ўзбек антропонимикаси соҳасида Э.Бегматов бошлаган иш унинг шогирдлари ва ҳаммаслаклари томонидан муваффақиятли давом эттирилмоқда. Жумладан, Ғ.Сатторов, Р.Худойберганов, Р.Нуриддиновалар олиб борган тадқиқотлар бунинг далилидир.

Олим Ғ.Сатторовнинг диссертацияси ўзбек исмларининг туркий қатлами тадқиқига бағишланган. Ушбу ишда асл туркий ҳамда ўзбекча бўлган исмларнинг юзага келиш тарихи, исмлар учун асос бўлган апеллативлар, уларнинг типлари, исмларнинг танланиши ва болага берилишининг конкрет мотивлари ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

1998 йилда С.Раҳимов «Хоразм минтақавий антропонимияси» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу ишда баъзи тарихий ва мифологик исмларнинг маъно ва мотивациясига оид фикрлар мавжуд. Масалан, *Ҳубби*, *Ҳуббиқул* (32), *Ўғуз* (33-34), *Қаюмарс* (41), *Жамшид* (41), *Зол* (42), *Кайкубод*, *Кайковус* (42), *Рустам* (42) ва б. Шунингдек, ислом дини таъсирида удум бўлган арабча, қадимий яҳудийча исмлар, турли маросим ва урф-одатлар билан боғлиқ номлар (*Наврўз*, *Наврўзой*, *Ҳайитбой*, *Ҳайитгул*, *Рўзибой*, *Рўзихон*, *Рўзигул* ва б.), йил, ой, ҳафта, кун номларига нисбат берилган исмларнинг, асосини ҳайвон ва қушлар номи ташкил этувчи номларнинг қўйилиш сабаблари изоҳланган.

С.Раҳимов Хоразм минтақасига хос исмларни луғавий-маъновий хусусиятига кўра 10та гуруҳга ажратиб таснифлаган. Ушбу тасниф материаллари тадқиқ қилинаётган минтақа антропонимияси билан муштаракликка эгалигини кўрсатади.

Э.Бегматов ва Н.Улуқов томонидан мотив, мотивланганлик мезони, мотивланган ном, мотивланиш, мотивланмаган ном, мотивланувчи, мотивловчи асос, мотивловчи элемент, номинатив функция, номинатор, номинация тамойили, номинация, номинация вазияти, номинация мотиви, номинация функцияси ва бошқалар изоҳланган.

Ў.Носировнинг «Ўзбек тилидаги киши номлари ҳақида баъзи мулоҳазалар» номли мақоласида ўзбек исмларининг берилиши, бунда амал қилинувчи расм-русумлар, исмларнинг танланиши, яратилишига сабаб бўлувчи турли мотивлар ҳақида фикрлар айтилган.

1964 йилда Я.М.Менажиев, Х.А.Азаматовларнинг «Исмингизнинг маъноси нима?» номли рисоласи нашр қилинди. Унда бир қатор ўзбек исмлари англатадиган маънолар изоҳланган.

Э.Бегматовнинг «Номлар ва одамлар» рисоласида ўзбекларда чақалоқни номлашнинг асосий анъаналари, бир қатор исмларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган этнографик, мифологик, тотемистик, ахлоқий-эстетик мотивлар қизиқарли далиллар асосида таҳлил қилинган.

Н.Ҳусанов ўзбек тарихий антропонимиясини тадқиқ қилиш ишига муайян ҳисса қўшди. Олим бир қатор тарихий номларнинг мотивацияси ва маъносига

ойдинлик киритди: у XV аср ўзбек адабий ёзма ёдгорликларида учрайдиган тарихий антропонимларни тадқиқ қилиб, ўзбек тилига араб тилидан ислом дини таъсирида ўзлашган Аллоҳ, пайғамбарлар ва авлиё-анбиё исмларининг генетик маъносини таҳлил қилган; ҳар бир исмнинг дастлаб қандай маъно ва мотив билан боғлиқлигини изоҳлаган.

Л.И.Ройзензон, Э.Б.Магазаникларнинг исмлар мотивига бағишланган мақоласида исм болага қаердан, қайси манбадан олиб қўйилади, бунда янги исм яратиш, анъанавий номлар фондидан фойдаланиш ва бошқа

омилларнинг ўрни ҳақида фикр юритилади.

Кўпчилик туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам бир оиладаги фарзандларга ёки яқин қариндошларнинг болаларига оҳангдош (қофиядош) исмлар бериш одати ҳам мавжуд. Л.И.Ройзензон ва А.И.Исаевлар ушбу ҳодисани тадқиқ этишар экан, уни «антропонимик серия» деб номлайдилар.

Туркий тиллар антропонимикаси тараққиётига муҳим улуш қўшган тадқиқотчилардан бири қozoқ тилшуноси Т.Жанузақовдир. Антропонимик тадқиқотнинг асосий йўналишлари унинг «Қазақ есімдерінің тарихы» номли монографиясида ўз ифодасини топган. Ушбу фундаментал тадқиқотда бир қатор исмларнинг пайдо бўлиши ва қўйилиш асослари ҳақида мулоҳазалар бўлса ҳам, аммо қozoқча исмларнинг мотиватив асослари кенг ва чуқур таҳлил қилинмаган. Тилшунос А.Г.Шайхулов татар ва бошқирд тилларидаги генезисига кўра туркий қатламга мансуб антропонимларни тадқиқ қилди. Унинг ишида осмон (кўк) ва табиат ҳодисалари билан боғлиқ, сўзнинг сеҳрли (магик) кучига ишониш билан алоқадор, ҳайвонлар, қушлар, балиқ ва ўсимлик дунёсига сиғиниш тасаввурларига дахлдор, чақалоқнинг дунёга келишидаги шароит, жисмоний ва руҳий белгилар, туғилиш вақти, тартиб хусусиятлари билан алоқадор исмларнинг қўйилиш сабаблари изоҳланган.

Т.Х.Кусимова бошқирд исмларининг пайдо бўлиши мотивларини кенг тадқиқ қилган. У номзодлик диссертациясининг биринчи бобини мана шу

масалага бағишлаган ва исмларнинг «семантик классификацияси»ни бериб, исмларни 20 гуруҳга бўлган.

Татар тили антропонимияси тизими материалларини тўплаш ва тадқиқ қилиш ишига Г.Ф.Саттаров катта ҳисса қўшди. Айниқса, унинг «Татар антропонимикасы» ва «Татар исемнәре сузләге» ишлари туркий ономастикага қўшилган сезиларли ҳиссадир.

«Ўзбекистон ономастикаси» мавзуидаги (Қарши, 1989) илмий конференцияда Н.Мирзаевнинг зооантропонимларга, Т.Нафасов ва

К.Марқаевларнинг этноантропонимларга, Д.Э.Шодмонованинг этикет-антропонимларга бағишланган мақолаларида антропонимиянинг долзарб масалалари таҳлил қилинган.

Э.Жабборов «Шажараи турк» асаридаги тарихий ва афсонавий, хусусан, Ўғузхоннинг набиралари исмларини, асар муаллифи Абдулғозий антропонимининг луғавий, номинацион-мотивацион асослари, тузилиши ва лексик-семантик маъноларини салмоқли далиллар билан таҳлил қилган ҳамда асар ўзбек тили антропонимияси тадқиқида муҳим манба эканлигини тўғри таъкидлаган.

Қирғиз антропонимиясининг тадқиқотчиси Ш.Жапаров ҳисобланади. У қирғиз исм ва фамилиялари бўйича луғат тузди. Монография эълон қилди ва «Қирғиз антропонимияси» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг ишларида антропонимик номинация ва мотивацияга хос анчагина қизиқарли материаллар жамланган.

Озарбайжон исмларининг лисоний хусусиятлари билан қизиққан илк тадқиқотчи З.Садыховдир. Унинг тадқиқотларида озарбайжон антропонимияси хусусиятлари, жумладан, номлар мотивацияси кенг таҳлил қилинган.

А.Гурбанов, М.Адилов, А.Пашаев, М.Н.Чобанов, Ҳ.Алиевларнинг изланишлари озарбайжон ономастикасини янада ривожлантирди. Антропонимиканинг баъзи назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишда «Антропонимика» (1970), «Личные имена в прошлом, настоящем и будущем», «Этнография имен» (1971) тўпламлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Менажиев Я.М., Азаматов Х.А. Исмнинг маъноси нима? – Тошкент: Фан, 1964. Иккинчи нашри, 1968.; Менажиев Я.М., Азаматов Х.А. Исмнинг маъноси нима? // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1964. – № 7. – Б. 16.; 1964. – № 8. – Б. 13.; 1964. – № 9. – Б. 38.
2. Шамсиева М. Кишиларга атаб қўйилган номлар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 4-китоб. – Тошкент, 1962. – Б. 456-463.; Носиров Ў. Ўзбек тилининг киши номлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Қарши ДПИ илмий асарлари. 17-китоб. – Тошкент, 1965. – Б. 193-206.

3. Бегматов Э. Ўзбек антропонимикасининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, Фан, 1965. – Б. 83-99.; Бегматов Э. Киши номлари ҳақида // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1965. – № 7. – С. 54-56.
4. Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 28.
5. Abduraxmonova, X., & Saparniyazova, M. (2025). O 'ZBEK TILIDA ANTROPONIMLARNING SOTSIOLINGVISTIK XUSUSIYATLARI. *Research and publications*, 11(1), 85-88.
6. SAPARNIYAZOVA, M. (2025). O 'ZBEK ISMLARI IMLOSI VA IZOHIDAGI AYRIM MUNOZARALI MASALALAR. *XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYALAR*, 1(6), 86-92.
7. Рахмонов, А. К. (2026). ЛЕКСИКОЛОГИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ В НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ АЛ-МУТАРРИЗИЯ. «Qazaqtaný», (29), 162-171.
8. Inomjonovna, I. D., & Husanova, U. (2025, May). ALISHER NAVOIY ASARLARIDA TILNING PAYDO BO 'LISHIGA OID QARASHLAR. In *Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 162-164).
9. Dildora, I. (2023). TECHNOLOGIES FOR THE FORMATION OF INTELLIGENCE AND THE MANIFESTATION OF TALENT OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS.
10. Shakhlo, B., & Ayubova, L. (2026). CULTURAL MODELS OF KINSHIP: A COGNITIVE LINGUISTIC ANALYSIS OF ENGLISH AND UZBEK METAPHORS. *Journal of Pedagogical and Philological Research*, 1(5), 27-36.
11. Jurayeva, N., Küçük, S., Soyer, A., & n Kaba, H. (2025). Xorazm Shevalari O 'g 'uz Lahjasi Leksikasida Murakkab Tarkibli Dialektal Birliklarning O 'rni1.
12. Gulmuradovna, J. N. (2025). XORIJIY TILLARNI O'RGANISHDA TIL KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH. *Indexing*, 1(1), 86-90.
13. Isoxonovich, M. X. (2022). Middle Ages Movarounnahr Rulers in the Views OF Researchers. *European Journal of Innovation in Nonformal Education*, 2(6), 134-136.
14. Xujayev, M. I. (2018). THE COVERAGE OF THE PROBLEM OF NATIONALARITY AND ITS ROLE ON THE PRESENT DAY IN AHMAD ZAKI VALADI'S WORK. *Мировая наука*, (6 (15)), 61-63.
15. Хужаев, М. И. (2018). АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ. In *Инновационные подходы в современной науке* (pp. 177-182).
16. Khujaev, M. (2024). AHMED ZAKI: ON THE IDEAS OF THE PHILOSOPHY OF HISTORY. *Экономика и социум*, (1 (116)), 235-239.